

## ГРАДУОНИМИЯ ВА АНТОНИМИЯ

Ширинова Нилуфар Джаббаровна

ЎзР ЖХУ Тилларни ўрганиш кафедраси доценти, филол.ф.н.

**Аннотация:** Мақолада антонимиянинг синонимия ва, хусусан, градуонимия билан муносабатлари алоҳида ўрганилган бўлиб, турли гуруҳдаги антонимлардан ташкил топган градуонимик занжир(лар)нинг нафақат очиклиги, балки (қатор) аъзоларининг транспозицион, конверсив ва ҳатто темпорал табиатга ҳам эгаллиги ҳам ўз исботини топган.

**Annotation:** The problem of the relationships of antonymy and synonymy, in particular graduonymy is studied in the article; not only the issue of openness of the gradual row, consisting of various-grouped antonyms, but also transpositional, conversive and temporal character of row members is proved.

**Калит сўзлар:** антонимия, синонимия, градуонимия, градуонимик занжир, градуонимик занжирнинг очиклиги, транспозицион, конверсив, темпорал табиат, градуонимик қатор, қатор аъзолари.

**Key words:** antonymy, synonymy, graduonymy, openness of the gradual row, various-grouped antonyms, transpositional, conversive, temporal character, gradual row, row members.

Антонимия ҳодисаси ёки маъно зидлануви тилшунослик тарихида семантик муносабатларнинг зарурий бир кўриниши сифатида алоҳида ўринга эга. Семантик муносабатлар бобида ҳали ечимини кутаётган чалкашликлар мавжуд, чунончи, антонимияга синонимиянинг бир кўриниши деб қараш шулар жумласидандир. Ваҳоланки, синонимия ва антонимия ўзаро турли типдаги маъновий муносабатларда бўлиб, жаҳон, хусусан, ўзбек тилшунослигида яхши ўрганилган. Масалан, антонимиянинг *конверсивность*, *дополнительность* (кўшимчалик), *“имплицитли градация”ли антонимлар* каби масалалари тадқиқ этилган [3, 485-495]. Шунингдек, даражаланишга бағишланган О.Бозоровнинг тадқиқотида антонимиянинг градуонимия билан муносабати ҳақида ҳам қисқа маълумот бор [1, 85-86]. “On Antonymy in English” мақоласи муаллифи Ин Сеок Ёанг антонимларни икки категорияга ажратади [5, 75-100]. Шу асосда биз уларни градуонимик қаторни ҳосил қила оладиган, яъни кутблари антонимлардан иборат ва ҳар икки сўз антоним ҳисобланганда уларнинг ўзаро эмас, алоҳида-алоҳида градуонимик қаторини ҳосил қилиши мумкин бўлган антонимларни таҳлил қилишга эътиборимизни қаратамиз. Антонимлар, инглиз олимларининг фикрига кўра, даражаланувчи, яъни қиёсий ва орттирма даражаларга эга бўла олади, тўлдирувчи ва конверсив жуфтликларда эса даража

йўқ. Шуларни инобатга олган ҳолда даражаланувчи антонимлар градуонимик қаторни ҳосил қилиши мумкин, деган фикр келиб чиқади, яъни *single-married* ўртасида ҳеч қандай оралиқ сўз бўлиши мумкин эмас. *Big-small* антонимлари ўртасида эса *normal* сўзини кўйиб, шу билан бирга ҳар икки антонимнинг коннотативлик асосида даражаланишини кўриш мумкин. Юқорида тилга олинган мақоладаги яна бир фикрга нисбатан муносабат билдириш учун инглиз тилидаги антонимлар асосида градуонимик муносабатларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Антонимлар – жуфтлигига берилган саволлар жавобларига кўра ажратилади [75]. Антонимларнинг ушбу гуруҳларга ажратилишининг асосий сабаби “**How-Adj - -**” шаклидаги сўроқ гапга бериладиган жавобга боғлиқлигидадир. Кутбий ва параллел антонимларга ҳар иккала антонимларни қўллаган ҳолда жавоб берилиши мумкин бўлганлиги учун улар *neutralizable* (нейтраллашувчи) деб қабул қилинар экан, бу қуйидаги мисоллар орқали исботланади: (1) a. *How old is he? How young is he?* (2) a. *He’s 60 years old/\*young.* b. *He’s 30 years old/\*young.* c. *He’s one day old/\*young.* (3) a. *He’s very young/\*old.* b. *He’s as young/\*old as she is* [5, 79]. Ушбу саволларга жавоблардан (2) даги *old* қатнашган барча жавоблар ўринли, *young* бундан истисно. Демак, *old* сўзини бу ерда *old/young* антоним жуфтликларининг **маркерланмаган** (unmarked) аъзоси деб қабул қилиш мумкин. Шунини ҳам эътиборга олиш керакки, (3) даги жавобларни давом эттирувчи гапларнинг мавжудлиги жавобнинг тўлиқ бўлишини таъминлайди. Масалан, “*he is two years old/\*young*”. Муаллиф нейтраллашувчи антонимлар жуфтликларининг прагматик асосларини кўриб чиқар экан, *old* ва *young* антонимларининг ёш шкаласида жуфтликлар ўртасида кескин чегара йўқлигини таъкидлайди. У қарилик ёшлиқдан бошланиб, ёшлиқ қариликгача давом этишини қуйидаги чизмада тасвирлаб кўрсатади (диаграмма In-Seok Yang. On antonymy in English. Language and linguistics. Volume 19, p. 90 дан олинган):

### Continuum of age *young* ↔ *old*

0 Start terminus 0 → → → → → → → → → → → → → → → → → boundary

Энди антонимиянинг бевосита градуонимия билан алоқадорлиги масаласига келадиган бўлсак, градуонимия – синонимия ва антонимияни ўзида мужассам этувчи алоҳида тил ҳодисаси сифатида антонимияга ҳам алоқадордир. Бинобарин, градуонимик қаторнинг икки кутби, чегараси бора-бора зидлилиқ даражасига етар экан, бу ҳам, қайсидир маънода антонимияга мисолдир. Шу билан бирга олим нейтраллашувчи антонимлар деб атаган жуфтликларни таҳлил қилар эканмиз, кўп ҳолларда бундай антонимлар градуонимик қаторга эга бўла олади, деган хулосага келдик ва ушбу жуфтликлар градуонимик қатор ичида

жойлашишини қуйида келтирамиз [2, 100]:

**Continuum of age young old**

*0 newborn → baby → infant → toddler → child → youngster → teenager → adult → oldster*

Start terminus

0 → → → → → → → → → → → → → → → → 100

Худди шундай қаторни ўзбек тилида ҳам кузатиш мумкин (1-илова):

*нинни ~ чақалоқ ~ гўдак ~ бола ~ болакай ~ ўсмир ~ ўспирин ~ йигит ~ эркак ~ амаки ~ чол*

Бу қатор жинс нафақат ёш, балки жинс (эркак) семаси устуворлиги асосида ҳам тузилган бўлиб, унга зид (аёл) занжирни қуйидагича ифодалаш мумкин<sup>1</sup>:

*нинни ~ чақалоқ ~ гўдак ~ бола ~ қизалоқ ~ ўсмир қиз ~ ўспирин қиз ~ қиз ~ жувон ~ она ~ аёл ~ хола ~ кампир ~ момо...*

Мазкур қатордаги остига чизилган сўзлар бирликларнинг (ўта) нисбийлигини, ўзгарувчан ва конверсив (бир-бирига ўтувчан) характерда эканлигини, ҳатто контекстуал-коннотатив бўёқдорлигини (шевага хослик, индивидуаллик, хосланганлик, жаргон каби) ҳам намоиш этади. Бу эса, турли гуруҳдаги антонимлардан ташкил топган градуонимик занжир(лар)нинг нафақат очиқлигини, балки (қатор) аъзоларининг транспозицион, конверсив ва ҳатто темпорал табиатга ҳам эгалигини яна бир қарра исботлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. – Тошкент, 1995. – Б. 85-86.
2. Жумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2017.
3. Pulatova, Z. A. (2022). TALIM TIZIMIDA «ASSESSMENT» HAMDA «EVALUATION» TUSHUNCHALARI VA ULARNING FARQI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 20), 170-174.
4. Pulatova, Z. (2021). MODULE SYSTEM AND TOOLS FOR DEVELOPING WRITING SKILLS OF LAW STUDENTS. Philology Matters, 2021(3), 196-209.
5. Pulatova, Z. Factors For The Development Of Writing Skills Of Law Students In A Modular System.

<sup>1</sup>Остига чизилган сўзлар нисбий, темпорал, диалектик характерга эга бўлиб, асосан услубий (сўзлашув ва бадий) колористикага эга.

6. Pulatova, Z. (2020). ASSESSMENT PRINCIPLES, CHARACTERISTICS OF IMPROVING STUDENTS'ASSESSMENT OF WRITING SKILLS IN ENGLISH (EXAMPLE B2 LEVEL). *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol, 8(12).
7. Ikanova, L. (2020). ANALYSIS OF TWO TASKS FROM THE POINT OF PRAGMATICS. *Modern trends in linguistics: problem and solutions*, 25-26.
8. Ikanova, L. S. Q. (2024). SUDLANGAN SHAXSLAR VA MAHKUMLARNING XULQ ATVORI VA QAYTA JINOYAT SODIR ETISHINI BARTARAF QILISHDA TA'LIMNING TA'SIRI (AQSH TAJRIBASI MISOLIDA). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 4(1), 433-439.
9. qizi Ikanova, L. S. (2020). IMPROVING LISTENING SKILLS THROUGH ICT. *Bulletin of Namangan State University: Vol, 2(11)*, 64.
10. Ikanova, L. (2019). Learners' digital literacy of students in language classrooms. *Trends in Teaching Foreign Languages: Achievements, Challenges and Solutions*, 98-99.
11. Ikanova, L. S. (2019). The impact of materials development, critical pedagogy and lgbt's issue on the language planning and policy. *Вестник педагогики: наука и практика*, (48), 68-70.
12. Ikanova, L. (2019). THE IMPACT OF MATERIALS DEVELOPMENT, CRITICAL PEDAGOGY AND LGBT'S ISSUE ON THE LANGUAGE PLANNING AND POLICY. *SCIENCE. RESEARCH, DEVELOPMENT*, 59-62. 11
13. Khasanova, D., Ulmasbaeva, M., & Ikanova, L. (2019). IT IS TIME TO CHANGE THE SUBJECT MATTER OF ENGLISH AT VOCATIONAL COLLEGE. *EPRAInternational Journal of Multidisciplinary Research*, 48-52. 12
14. Ikanova, L. (2019). THE IMPACT OF THE MATERIALS DEVELOPMENT TO THE IMPLEMENTATION OF THE LANGUAGE PLANNING AND POLICY. *Electronic journal of actual problems of modern science, education and training*, 7-13. 12
15. Иканова, Л. (2024, Май). ОБРАЗОВАНИЕ В ТЮРЬМЕ: ФУНДАМЕНТАЛЬНОЕ ПРАВО И ВАЖНЫЙ ИНСТРУМЕНТ. In *Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences* (Vol. 3, No. 5, pp. 269-275). 9
16. Ikanova, L. S. (2024). JAZONI IJRO ETUVCHI MUASSASSALARDA, TA'LIMNI TASHKIL QILISH TAJRIBALARI (AQSH MISOLIDA): Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. *Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari*, 7(3), 26-31.2
17. Darvishova, G. K. (2023). SHARLOTTA BRONTE IJODIDA AYOLNING IJTIMOIIY MAVQEI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1), 57-67.
18. Darvishova, G. K. S. B. I., & MAVQEI, A. I. ORIENSS. 2023.№ 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-ijodida-ayolning-ijtimoiymavqei> (дата обращения: 10.10. 2023).
19. Iskandarovna, K. G., & Kenjabayevna, D. G. (2020). The means of image" woman" in the literary world of charlotte bronte. *Journal of Critical Reviews*, 7(12), 136-139.
20. Darvishova, G. K. (2023). ШАРЛОТТЕ БРОНТЕ ИЖОД ҚИЛГАН ВИКТОРИЯ ДАВРИ. *Innovative Development in Educational Activities*, 2, 238-243.
21. Kenjabayevna, D. G. (2022). The issues of gender, equality and moral problems in the novel "jane eyre" by charlotte bronte. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(5), 731-735.
22. Дарвишова, Г. К. (2022). По Педагогическом Мастерстве Учителя Иностранного Языка В Процессе Урока. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3, 122-125.

23. Дарвишова, Г. К. (2022). ШАРЛОТТА БРОНТЕ АСАРЛАРИДА БАДИИЙ МАҲОРАТ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 26), 754-757.
24. Shirinova, N. D., & Shirinova, N. D. (2023). LISONIY PARALLELIZM HODISASIGA DOIR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1), 51-56.
25. Djabarovna, S. N. (2021). Synonymous pairs of lexical units. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 910-913.
26. Shirinova, N. (2018). ORGANIZATION OF THE ENGLISH TEACHING PROCESS. *Irrigatsiya va Melioratsiya*, (2), 61-64.
27. Nilufar, S., Nargiza, S., & Nosir, R. (2023). Study of the gradual relations in differentiation of substance and attributive meanings in the english and uzbek languages.
28. Shirinova, N. (2024). DEVELOPING COGNITIVE ACTIVITY OF CADETS IN THE PROCESS OF TEACHING ENGLISH. *ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ*, (54-4).
29. Ширинова, Н., & Ширинова, Н. (2022). ПОВЫШЕНИЕ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ КУРСАНТОВ ЭКОНОМИЧЕСКОГО НАПРАВЛЕНИЯ НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 744-746.
30. Tulkin, S., Nargiza, S., & Nilufar, S. (2022). ANALYSIS OF THE TRANSLATION OF ZAHIRIDDIN BABURS POEMS. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES*, 3(02), 42-48.
31. Shirinova, N. D., & Davlatova, M. K. MORPHOLOGICAL WAY OF DIFFERENTIATION OF SUBSTANCE AND ATTRIBUTIVE MEANINGS IN THE LANGUAGE SYSTEM. *ILMIY XABARNOMA. НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Андижанский государственный университет им. ЗМ Бабура*,(1), 86-89.
32. Shirinova, N. D. (2024). INPARALLELISM IN ENGLISH. *ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ*, (55-3).
33. Djabarovna, S. N. (2021). Synonymous pairs of lexical units. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 910-913.
34. Shirinova, N. D. (2006). The expression of the relation of substance and attribute in the language system. *The Problems of Philology and Methodics.*—Bukhara, 98-101.
35. Ширинова, Н. Д. (2021). ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИГА САЗОВОР УСТОЗ: Ширинова Нилуфар Джаббаровна, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Тилларни ўрганиш кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, доцент. In *Научно-практическая конференция.*
36. Ширинова, Н. (2010). Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: *Филол. фан номз.... дисс.*